# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 173 (10.478) / 2005 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн-юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди.

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чеҳрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам турар-жойлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари - мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёдкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қиррали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром - фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор «Ёш авлодга эътибор - келажакка эътибор» деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпорувчи ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва ҳушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи - миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч қудрат соҳибимиз» деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр- қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш - буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган байрам тантаналаридан репортаж



## ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ



Мустақиллик - озод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Мустақилликнинг ўн тўрт йили - тарихан қисқа, айни чоғда мазмунан асрларга татигулик давр.

Бу йиллар - Президентимизнинг: «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз» деган чорловини ҳаётга изчил жорий этиш йўлида қўйилган ўн тўрт залворли одимдир.

Буни кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси, барқарор ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллат ва элатларнинг бугунги ҳаёти исботлаб турибди.

Буни ўтган даврда нефть, ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз ҳам яққол намоён этди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, муруввват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи тўла тасдиқлайди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган истиқболли дастурларни рўёбга чиқариш борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Давоми 4-5-бетларда.



# МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ХОТИРА

## «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИДАН РЕПОРТАЖ

**Истиқлол халқимизга ўзлигини англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада бойитиш, она-Ватанимиз ҳурлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконини берди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган минглаб ота-боболаримизнинг ноҳақ қораланган муборак номлари яна покланди. Ватанимиз истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатағон қурбонлари хотираси абадийлаштирилди.**

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи мана шундай зотларга кўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

Юнусободдаги Бўзсув соҳилида улкан ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган муҳташам музейда мустабид тузум жабру ситамлари, қатағонларидан шаҳодат берувчи экспонатлар жой олган. Саккиз устунли улкан гумбаз остида шаҳидлар руҳи покига эҳтиром сифатида ўрнатилган рамзий қабр атрофидан эса зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланаётган файзиёб кунларда бу маскан зиёратчилар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бинобарин, бугунги тинч-осуда ва фаровон ҳаёт қадрига етиб, ўтмишнинг изтиробли, кир ва қора саҳифаларидан сабоқ чиқариб, ёруғ ва нурли келажак сари матонат билан интилиб яшашимизда бундай табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

31 август. Тонг. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи. Қуёшнинг заррин ёғдулари атрофни нурафшон этишга чоғланган кезда мажмуа янада гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида мазкур ёдгорлик мажмуини бунёд этиб, халқимиз кўнглидаги ишни қилдик, деди давлатимиз раҳбари. Бугунги доримамон кунларга эришишимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг аянчли қисмати билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш доимий эзгу амалларимиздан бўлиши даркор.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш, қадрига етишга ундайди. Айниқса, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кескин кураш бораётган, айрим кучлар томонидан юртимизга ноҳақ таъна ва маломат тошлари отилаётган бир пайтда ўзини шу замин фарзанди деб билган ҳар бир инсон бепарво ва лоқайд туришга ҳаққи йўқ. Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини ҳамиша эсда тутсак, уларга муносиб ворис сифатида мустақиллигимизни турли бузғунчи кучлардан ҳимоя этсак, ўйлайманки, бу ҳам азал-азалдан ҳеч кимга бош эгмаган халқимизга хос мардлик намунаси бўлади.

Аждодлар хотираси — муқаддас. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида мана шу қутлуғ кунларга етишимизга, керак бўлса, ўзининг жонини фидо қилиш билан ҳисса қўшган қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этиб, қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсон учун аждодлар хотираси олдида бош эгиб, улар руҳига эҳтиром бажо этмоқ ҳам фарз, ҳам қарздир, деди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, шундай муаззам қадамжога боқиб, инсон қалбидан маҳзун, шу билан бирга умидбахш ҳис ва кечинмалар ўтади. Бу дунёдан ҳамма — яхши ҳам, ёмон ҳам ўтади. Аммо олий ҳакам — вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди: зулму ситам, қабоҳат ва разолат зулматга чекиниб, ҳақиқат ва адолат қарор топади. Ана шундай кезларда инсон эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига яна бир бор амин бўлади. Шу боис биз катта маънавий, тарбиявий ҳамда умрбоқий аҳамиятга эга бундай савобли ишларимизни мунтазам давом эттиришимиз зарур.

Мустамлака тузум, зулм ва зўравонлик авж олган ўта оғир ва мураккаб замонда, таъқиб ва тазйиқлар остида яшашига қарамай, ўз маблағини эл-юрт ўртасида маърифат зиёсини сочишга — янги усулдаги мактаблар, театр ва кутубхоналар очиш, газета ва журналлар ташкил қилиб, дарслик ва китоблар нашр этишга сарфлаган фидойи аждодларимиз жасорати мангуликка дахлдор. Зеро, кишиларни илм-маърифатли қилиш ва шу орқали ўзлигини англашга, юртни озод этишга ундаган маслаги, эътиқодига содиқу собит зиёлиларнинг улуғ ғояларини доимо қадрлаймиз, ана шундай оловқалб аждодларнинг вориси эканимиздан фахрланамиз.

Истиқлол йилларида бу улуғ зотларнинг хотирасини тиклаш, ҳурматини жойига қўйиш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик, деб таъкидлади Юртбошимиз. Кўплаб кўча ва мактаблар, маданият ва маърифат масканлари уларнинг номлари билан аталмоқда, илмий-ижодий мероси тикланмоқда ва кенг ўрганилмоқда.

Бироқ ҳали бу борада қилишимиз зарур ишларимиз кўп. Шу билан бирга, аждодлар меросидан фақат фахрланиш эмас, балки уни ривожлантириш ва янада бойитиш хусусида ҳам бош қотиришимиз даркор.

Ўзлигини англаб етмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Шу боис кишиларимиз бугунги мураккаб замонда, турли манфаатлар тўқнашуви рўй бераётган зиддиятли вазиятда мустақилликнинг, тинчлик ва осойишталикнинг қадр-қимматини тўла англаб етмоғи зарур. Юртимизни ўз таъсир доирасига олишга, халқимизнинг озодлиги ва мустақиллигини, эзгу орзу-интилишларини, юксак инсоний туйғуларини топташга уринадиган, уларга писанд қарайдиган кучларга муносиб жавоб беришга ҳамиша қодирмиз.

Бу борада айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод — эртанги келажагимиз ворислари яхшини ёмондан, дўстни душмандан, ростни ёлғондан ажрата билмоғи лозим. Турли оқим ва ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсирига тушмасликнинг ягона йўли — мафкуравий иммунитетни ошириш. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деган даъватни ҳар биримиз қалбимизга жо қилсак, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган қатъий ишонч билан яшасак, бизни ҳеч қандай куч енголмайди, олиб бораётган мустақил сиёсатимизга монелик қилолмайди.

Турли бузғунчи кучларнинг мамлакатимиз хусусида иғво ва бўҳтон тарқатишдан кўзлаган мақсадини ҳар бир юртдошимиз тўғри идрок этмоғи, ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг қатъий муносабатига, мустақил фикр ва қарашларига эга бўлмоғи лозим. Андижон воқеаларидан кейин уюштирилаётган ахборот хуружларидан мақсад, аввало, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига путур етказишдан иборатдир. Шу билан бирга, одамлар юрагига ваҳима ва қўрқув солиш орқали уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сусайтиришдек ғаразли ниятлар яширинган.

Кишиларнинг келажакка бўлган ишончи жамият тараққиётида муҳим омиллардандир. Халқимиз ташқи кучларнинг иғво ва бўҳтонларига қарши аҳиллик билан курашиб, эртанги кунга ишонч билан Ватан тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда. Бу — ўз олдимизга қўйган мақсад-муддаоларимизга эришишимизда муҳим омил бўлмоқда, деди Президентимиз Ислом Каримов пировардида.

**(ЎзА)**

---

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА.**

**● Риштон тумани, Оқер қишлоғидаги 51-мактаб «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»га кўра янгидан барпо этилди.**

**● Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Нукусдаги Олимпия заҳиралари коллежида «Ҳеч кимдан кам бўлмайди, Ватаним маним» шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди.**

**● Республикамиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида «Саноатқурилишбанк»нинг Ангрен шаҳар филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

**● Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Яккабоғ туманидаги Эски Яккабоғ қўрғонида 200 ўринли замонавий болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уни Китоб туманидаги «Қоратоғ» ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари қуриб битказишди.**

### Жаҳонда

**● Японияда 11 сентябр куни бўладиган парламент сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Кузатувчиларнинг айтишича, бу сайлов мамлакат сиёсий ҳаётида катта ўзгариш ясаши эҳтимолдан ҳоли эмас. 30 августда атиги икки соат ичида барча номзодлар рўйхатга олиб бўлинди. Парламент қуйи палатасидаги 480 ўрин учун салкам 1350 даъвогар курашадиган бўлди.**

**● Мексика ҳукумати 2006 йилда ўтказиладиган Президент сайловига 1,2 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. Бу режани Федерал сайлов ташкилоти ҳам маъқуллади.**

**● Янги ўқув йилидан бошлаб Грузиянинг шаҳар ва туманларидаги барча мактабларни молиялаш бўйича янги тартиб жорий этилди.**

**● Франция транспорт вазирлиги мамлакатда фаолиятига чек қўйиладиган авиакомпаниялар "қора рўйхати"ни ишлаб чиқди. Унга кўра Франция ҳудудида хавфсизликка риоя этиши қониқарсиз деб топилган Шимолий Корея, Мозамбик, Либерия ва АҚШнинг Air Saint Tomes компанияларига тегишли самолётлар ҳаракати тўхтатилди.**

# ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тадбирлар кўрилмоқда.

Давлатимиз ташқи сиёсатида ҳамиша Ўзбекистон манфаати устувор.

Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар жаҳон саҳнида ўз мустақил овозига эга юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, миллий манфаатларимизни ҳар томонлама ҳимоялашга хизмат қилаётир.

Бунёдкор халқимизга, осойишта юртимизга тўйлар, байрамлар ярашади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик кунини кенг нишонлаш қутлуғ анъанага айланди.

Бу йил байрамнинг асосий тантаналари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда нишонланмоқда. Шу муносабат билан Навоий ҳайкали, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси биноси ва Халқлар дўстлиги саройи оралиғидаги муҳташам томоша мажмуи бетакрор гўзаллик касб этди.

31 август оқшоми. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Тантанага ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланганидан дарак беради. Маҳобатли саҳнада байроқдорлар саф тортади.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Мамлакатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Майдонда Ўзбекистон Давлат байроғи мавжланиб, нурли паннода «14» рақами шуълаланади. Улкан экранда юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилган оламшумул ишлар, халқимиз эришган залворли ютуқларни акс эттирувчи лавҳалар намойиш этилади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш - бугунги кенг қамровли ислоҳотларимиздан кўзланган бош мақсадни қисқача ана шундай ифодалаш мумкин. Бунда асосий устувор вазифа, Президентимиз парламент палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берганидек, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат бўлиб қолаверади.

Ўтган даврда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, аҳолининг реал даромадлари ўсди. Кўкдумалоқ конида қўшимча газлардан фойдаланиш лойиҳаси ниҳоясига етди. Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-совутиш қурилмаси, «Умид» нефть-газ конденсати конида комплекс тайёрлаш қурилмалари фойдаланишга топширилди. Кўплаб магистрал газ қувурлари, темирйўллар, автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичлар ишга туширилди.

Хорижий инвестицияни жалб этиш эвазига янгидан-янги объектлар фойдаланишга топширилди. Мустақиллик байрами арафасида биргина тўқимачилик соҳасида ўнга яқин қўшма ва хорижий корхона очилгани бунга яққол далил бўла олади.

... Ранго-ранг шарлар самога кўтарилади. Ўзбекни, Ўзбекистонни мадҳ этувчи яллалар билан тантананинг бадиий қисми бошланади.

Ҳа, бугун қанча фахрлансак арзигулик ишларимиз кўп. Бир мисол. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган ойлар мобайнида 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 75,5 фоиз ошган - харидорларга 61,4 мингта автомобиль жўнатилган. 2008 йилга бориб эса завод конвейерларидан 180 мингтагача машина чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ушбу соҳада «СамКочавто»нинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. Ҳозир корхона жамоаси 20 турдаги автобус ва юк машинаси тайёрлаяпти.

Дунё бозорида ўзбек авиасозлари маҳсулотларига қизиқиш тобора ортмоқда. Жаҳон самолётсозлик саноати етакчиларидан бири - Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган самолётлар яқинда Россияда ўтган «МАКС-2005» халқаро аэрокоинот кўргазмасида катта эътибор қозонди. Ушбу кўргазма кунлари Россиянинг «Волга-Днепр» компаниялар гуруҳи билан Ил-76ТД90ВД русумли янги авлод самолётини ишлаб чиқариш тўғрисида шартнома имзоланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларнинг кўлами кенг, самараси бисёр.

... «Дунёча дунё бергай болалар табассуми». Саҳнада янграган қўшиқнинг ана шу сатрлари эътиборни тортади. Шодон қўшиқлар ва чаққон рақслардан сўнг бобо ва набираларнинг савол-жавоб айтишувларига, эртаклар қаҳрамонларининг чиқишларига навбат келади. Майдон жажжи болакайларнинг кулгуси ва шўх-хандон қийқириқларига тўлади. Болалар табассумига не етсин. Зеро, бу бахтиёр болаликдан, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларидан дарак.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиги муҳофазаси - доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ижроси эл-юрт истиқболи, Ватан тараққиёти, ёш авлод келажагини таъминлашга йўналтирилгандир.

Саҳнани гимнастикачилар, енгил атлетикачилар, акробатлар эгаллайди. Спортчиларимиз дунё спорт майдонларини забт этишда давом қилмоқда. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ғалабалари кўнглимизни ўстиради.

Юртимиз эркин кураш бўйича жаҳон кубоги босқичи, дзюдо, оғир атлетика, армрестлинг бўйича Осиё чемпионатига мезбонлик қилди. Теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида «Тошкент опен», бадиий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» жаҳон кубоги босқичи, синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнирлари муваффақиятли ўтказилди. Дзюдо бўйича илк маротаба Ўзбекистонда ўтказилган Осиё чемпионатида Абдулла Тангриев Осиёнинг мутлақ чемпиони бўлди.

Профессионал бокс бўйича Темур Иброҳимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Фарҳод Бакиров, Қувончбек Тойғонбоев яхши натижаларни қўлга киритдилар. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этмоқда.

...Бугун она юртимизнинг миллионлаб асл фарзандлари: «Бу муқаддас замин - менинг Ватаним, аждодларимнинг табаррук хоки ётган бу тупроқни ҳимоя қилиш учун сўнгги томчи қоним қолгунча курашишга тайёрман», деган азму қарор билан яшамоқдалар. Зеро, истиқлолимиз тақдири, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни ҳар биримизга боғлиқ.

Биз нотинч ва мураккаб дунёда яшаётганимизни чуқур англаган ҳолда, буюк мақсадларимизга эришиш учун ҳамиша ҳушёр ва сезгир бўлишимиз, бошлаган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришимиз зарур.

Мустақиллик йўлида оғир синовларни ҳам бошимиздан кечирмоқдамиз. Халқимиз улардан муваффақият билан ўтмоқда. Андижон воқеалари халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмаслигини, қора кучларнинг қутқусига учмаслигини, бошқача айтганда, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

Юртимиз тинчлигига, халқимизнинг осойишта ҳаётига кимки тажовуз қилишга уринган бўлса, муқаррар жазосини олган ва доим шундай бўлади.

Ҳарбий оркестр садолари остида майдон бўйлаб Қуролли Кучларимиз вакиллари шахдам одимлар билан ўта бошлайди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Офицер ва аскарларимиз касбий маҳоратини ошириш борасида тинмай ўқиб-изланмоқда, ўз бурчини сидқидилдан адо этмоқда. Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий муҳофазаси Юртбошимизнинг доимий диққат марказида. Кейинги йилларда бу борада бир неча қарор қабул қилингани шундан далолатдир.

Байрам тантаналарининг санъатни, миллий ўзлигимизни, асрий урф-одатларимизни тарғиб этувчи бадиий дастурига навбат етади. Мумтоз ашулалар, куйлар ва рақслардан сўнг карнай-сурнай садолари остида лапар ва яллалар янграйди. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакиллари ўз санъатини намойиш этади.

Шу ўринда куни кеча қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда якунланган «Шарқ тароналари» бешинчи анъанавий халқаро мусиқа фестивали эсга тушади. Асосий ғояси инсонларни гўзаллик ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат ушбу мусиқа анжуманида янграган жозибадор куй ва қўшиқлар оҳанги ҳали ҳам қулоқларимиз остида жаранглаб, қалбларимизни ҳаяжонга тўлдириб турибди...

Замонавий ўзбек эстрадаси намояндалари ўз чиқишларида миллатимизни, халқимизни улуғлайдилар, мустақиллигимизни, озод ва обод Ватанимизни мадҳ этадилар.

Нурли паннода истиқлолимиз асосчиси, унинг жасур ва жонкуяр ҳимоячиси Президент Ислом Каримовнинг: «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган даъвати ёғду сочади.

Мустақилликнинг туб моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган шарафли йўли, эришган улкан ютуқлари, юртдошларимиз дилидаги Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари тўла мужассамини топган ушбу даъват дилларга нақшланади.

Самода ранго-ранг мушаклар порлайди...

Истиқлолимизнинг 14 йиллиги муносабати билан бепоён Ватанимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларида байрам тантаналари давом этмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**



**СУРАТЛАРДА: Мустақиллик байрами тантаналаридан лавҳалар.**
**Дилшод Юсупов (ЎзА) олган суратлар**








*Мустақиллик иншоотлари*

# ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

**Азим ва навқирон шаҳримизнинг йилдан йилга обод бўлиб, кўз ўнгимизда яшариб-яшнаб бораётгани, бу ерда амалга оширилаётган ишларнинг суръати ҳамда кўлами кенглиги ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Айниқса, юртимизда шодиёналар арафасида янги иншоотлар, муҳташам турар жой бинолари, ойдин, равон йўллару мустаҳкам кўприклар, чиройли гузарлар қуриб, фойдаланишга топширилиши яхши анъанага айланганлиги қувонарли ҳол, албатта.**

Сергели туманида Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлининг 61-километрида жуда қисқа муддат — 4 ойда бунёд этилган транспорт ечимидаги йўл ўтказгич ҳамда кўприк ҳам ана шундай иншоотлар сирасига киради. Мазкур қурилиш объекти "Ўзавтойўл" Давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Йўллойиҳабюро" давлат унитар корхонаси ва "ТошкентбошрежаЛИТИ" институтининг етук мутахассислари томонидан лойиҳалаштирилган.



Маҳоратли кўприксозлар "Кўприкқурилиш" трестига қарашли 13-кўприк қуриш отрядининг қурувчилари, "Андижонкўприк" ҳамда "Осиёкўприк" масъулияти чекланган жамиятлари каби кўплаб бошқа меҳнат жамоалари бу ерда ғайрат-шижоат-ла меҳнат қилдилар. Уларнинг ҳамжиҳатликдаги унумли саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ узунлиги 50 метр, эни 37 метр ҳамда баландлиги 5,5 метрни ташкил этган мазкур кўркам иншоот бунёд этилди.

Унинг зилзилабардошлилигини таъминлаш мақсадида кўприкка 32 та улкан оралиқ қурилмалар, йигирма тўрт метрли темир-бетон тўсинлар қўйилди. Бугунги кунда янги иншоот қурилгач ундан сакиз қатор транспорт воситалари бемалол ҳаракат қилишига имкон яратилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Мазкур йўл ўтказгичда Тошкентимиз орқали, — дейди бош пудратчи ташкилот — "Ўзавтойўл" Давлат акциядорлик концерни автомагистрал бирлашмасининг раҳбари Шавкат Раимқулов, — ўтадиган маҳаллий ҳамда хорижий транзит транспорт воситалари шаҳарга кирмасдан, ўз йўналиши бўйича ҳаракатини давом эттириши имконияти яратилди. Шу билан бирга унинг, шаҳримиз ичкарисидаги транспорт ҳаракатини янада тартибга солишга хизмат қилиши ҳайдовчиларни мамнун қилмоқда. Жумладан, янги, замонавий, мустаҳкам кўприк қурилиши билан бевосита боғлиқ ҳолда Қўйлиқ, Сергели йўналишлари, Усмон Носир ҳамда Гавҳар кўчалари бирмунча кенгайтирилди. Шунингдек, Сергели йўналишини кесиб ўтувчи узунлиги 40 метрни ташкил этувчи эски темир йўл ўтказгичининг кенглиги салкам 2 бараварга ортди. Қурилиш майдонида тўрт ой мобайнида ёзнинг жазирама офтоби, иссиқ кунларни писанд этмай заҳмат чеккан малакали, қўли гул бунёдкору тажрибали кўприксозларимиз масъулиятли иншоотда юқори суръатларда изчил режага асосан улкан ишларни амалга оширдилар, деб айта оламиз.

Сергели туманида бунёд этилган ҳамда Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб туҳфа ҳисобланмиш янги кўприк бир кеча-кундузда йигирма беш мингта транспорт воситаларига хизмат қилади. Шуниси эътиборлики, йўлсозу кўприксозлар янги йўл ўтказгич билан кифояланмай, кўприк орқали шаҳримизнинг йирик ҳамда энг гавжум бозори — "Чилонзор буюм бозори" — "Отчопар»га ҳам кенг йўл очиш тадоригида. Бу йўл очилгач эса Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлида транспорт оқимининг ҳаракати янада сезиларли осонлашиб, равон бўлади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: Сергели туманидаги Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлининг 61-километрида транспорт ечимидаги йўл ўтказгич ҳамда маҳобатли замонавий кўприк Мустақиллигимизнинг 14 йиллик тўйига малакали йўлсозу кўприксозларнинг муносиб совғаси ҳисобланади.**

*Мустақиллик — тақдиримда*

## КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛДИ

**Қадимда донишмандларнинг биридан дунёда энг улуғ, энг лазиз неъмат нима, дея сўраганларида, у ҳеч иккиланмай: "Озодлик ва эрк" дея жавоб берган экан. Шеърият мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий эса бу ҳикматомуз фикрларни мантиқан тўлдирган ҳолда: "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш", дея лутф қилади. Дарҳақиқат, Истиқлол халқимиз бахти ва саодатининг кафолат сифатида барча-барчамизнинг кўнглимизда ифтихор, ғурур туйғуларини уйғотгани рост.**

**Бизнинг Тошкент Давлат шарқшунослик институти Илмий ишлар бўйича проректори, таниқли манбашунос, тарихчи олим Музаффар Комилов билан кечган суҳбатимиз Мустақиллик берган кенг имкониятлар, ўзбек шарқшунослигининг Истиқлол йилларидаги истиқболлари, кейинги йилларда таълим соҳасидаги ютуқлар ҳақида кечди.**

**— Музаффар Муродович, Сизнинг назарингизда Истиқлол ва эрк тушунчаларини халқимиз онгу шуурига чуқурроқ муҳрлаш учун нималарга эътибор қаратиш зарур?**

Назаримда, Истиқлол туйғусини юртдошларимиз қалбига чуқурроқ сингдириш учун маънавиятимизга, қадриятларимизга, умуминсоний тамойилларга суянадиган ўзлигимизга кўпроқ эътибор қаратиш зарур деб ўйлайман.

**— Тақиқотчи олим сифатида фаолият юритишингизда Мустақиллик қандай имкониятлар яратиб берди?**

— Мутахассислигим ислом фикҳқшунослиги, шарқшунослик бўлганлиги боис, илмий изланишларимнинг асосий йўналиши шунга қаратилган. Истиқлол шарофати, берилган имкониятлар боис, икки йил Қоҳирада ўқиб қайтдим. Ҳозирда Марказий Осиёнинг машҳур фиқҳларидан бири Аловуддин Самарқандийнинг "Туҳфат-ал фуқаҳо" асарини илмий муомалага киритиш борасида изланишлар олиб бормоқдаман. Келажакда бундан кўпроқ тадқиқотлар олиб бориш ниятидаман.

**— Сиз фаолият юритаётган Шарқшунослик институтида талаба ёшларни истиқлол руҳида тарбиялашда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Институтимиз мустақиллигимиз билан тенгдош. 1991 йилда давлатимиз раҳбарининг Фармони билан ташкил этилган. Ҳозирда академик Неъматилла Иброҳимов раҳбарлигида талаба-ёшларни интеллектуал салоҳияти юқори, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таниқли шарқшунос олимлар, етук адабиётшунослар билан мулоқотлар ўқув йили жадвалларидан ўрин олган.

**—Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами муносабати билан юртдошларимизга тилакларингиз.**

— Тилакларим чексиз. Илоҳим, юртимиз тинч бўлсин. Мустақиллигимиз боқийлиги асрларга татисин. Энг азиз, энг улуғ байрамимиз наинки юртдошларимизга, хориждаги ватандошларимизга ҳам қутлуғ бўлсин.

**Хидирали ПАНЖИЕВ суҳбатлашди**

# Қадрли ҳамюртларимимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари!

*Барчангизни қутлуғ шодиёна — Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги билан эзгу ниятларни дилимизга жо айлаган ҳолда қутлаймиз. Ишларингизга барака, оилангизга хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик тилаймиз. Жаннатмакон юртимизнинг сахий қуёши ҳар бир хонадон узра нур сочиб, бахт-саодат, фаровонлигимиз боқий бўлсин.*

*“MUXLISA QIZ” хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси.*









## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Мунофиқ дўст мунофиқ қариндошдан яхши. Бир киши бир улуғ одамдан сўради:

— Ака-ука дилга яқинми ёки дўст?

У жавоб берди:

— Ўз ака-укам садоқат йўлини тутгандагина дилимга яқин.

Байт:

**Дўст бўлмаса**
**яқинларинг кечгин**
**улардан,**
**Бегоналар меҳр**
**қилса, дўст тут уларни.**

● Ҳикмат. Ҳисоб ва сарф муомала учун, кўмак, узр ва ихлос дўстлик ва муҳаббат учундир.

Байт:

**Ҳар кимсага таъна**
**тошни отма,**
**Гарчи бўлса ҳамки**
**қайсар ёки шум,**
**Айбсиз дўстларни**
**топмоқ муаммо,**
**Айтчи хатолардан**
**ким поку масъум,**
**Ҳар ким дўстларига**
**хушфеъл бўлмаса,**
**Дўстлик**
**иззатидан**
**бўлади маҳрум.**

● Айбингдан хабар топиб, уни бировларга ошкор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса, уни таъна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг, асло унутмайдиган одам билан дўстлик ипини боғламоқ керак.

Байт:

**Кўп ҳолатнинг**
**бўлдим шоҳиди,**
**Айб қидирган бўлди**
**айбдор.**
**Кимнинг бўлса**
**юраги тоза,**
**Ўзга айбин**
**қидирмас зинҳор.**
**Дўст айбини**
**бекитар доим,**
**Фазилатин мақтайди**
**такрор,**
**Яхшилигинг улуғ**
**деб билмас**
**Ўзингни ҳам тутмас**
**асло хор.**
**Шундай дўстга**
**дуч келсанг агар,**
**Қўлларингдан**
**чиқарма зинҳор.**

● Ҳикмат. Бир улуғ киши ўз укасига насиҳат қилиб дерди:

— Дўст жафо билан душманга айланади. Душман эса эҳсон билан дўстга. Агар душманни эҳсон ва ҳадя билан дўст қаторига киргиза олмасанг жафо билан душман қаторига киргизма.

**Одам яхшиликка**
**бандадир доим,**
**Мангу дўстлар ҳам**
**барибир одам.**
**Ҳар кимнинг дилига**
**оғир келмайди,**
**Душман меҳр билан**
**дўст бўлганидан.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 328-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда Исломова Шаҳноза Ҳикматовна номига берилган № 15219009 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

"ҲАМКОРБАНК" акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент филиали

Сизларни Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами билан самимий муборакбод этиб, ушбу қутлуғ айём барчангизга бахт-саодат, омад ва хотиржамлик олиб келишини тилаб, ўз "ПЛАСТИК КАРТОЧКА" сини ҳамда чет эл валютасидаги "ТАҚДИМ ЭТУВЧИга" омонат турини тақдим этади.



Ушбу карточка асосида ҳаётингизга қулайликлар кириб келишини, омонатга пулингизни қўйиб барча орзу-ниятларингиз ушалишини ҳамда йиллик 15 фоиздан 24 фоизгача миллий валютадаги даромад фақат яхши кунларингизга хизмат қилишини тилаб қоламиз.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-62-33; 45-38-64

Филиал раҳбарияти



| 2005 йил 27 августдан бошлаб | «ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ |
|---|---|

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»

Катта халқаро байрам дастури

Дастурдан:
ўргатилган кучукчалар,
маймунчалар,
каптарлар билан фантазиялар,
илон ўргатувчи бўғма илон билан,
чавандоз йигитлар ва
бошқа кўплаб иштирокчилар
ҳамда қизиқарли
томошалар ўрин олган.

*ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!*

**Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**


*Мунажжим башорати*

## МУҲИМ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИНГ

**2 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА**

**Бугун атрофдагилар билан, айниқса, ҳамкасблар, қариндош-уруғлар, қўшнилар билан муомала қилишда эҳтиёткорликни маслаҳат беришади мунажжимларимиз. Умуман, яхшиликка не етсин! Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан – мусулмон динидан чиқади деб, бежиз айтишмаган-ку ахир. Қуёш тақвимининг 16-куни адолат куни бўлиб, ўзаро низоларда ким ҳаку ким ноҳақлигини аниқлашда холисона ҳукм чиқаришга ёрдам беради.**

Ичи қора, нопок кишилар билан алоқани узиш, уларнинг йўлингизга ғов бўлишларига, режаларингизнинг амалга ошиши, қарзлардан узилишингизга тўсқинлик қилишларига чек қўйишнинг бугун айни пайти. Лекин бунда ўй-фикрларингиз, гап-сўзларингизда нафрат ва ғазаб, эҳтирослар устувор бўлишига йўл қўйманг. Ножўя гаплардан, ортиқча кўполликлардан ўзингизни тийинг.

Бугун муҳим ишларга қўл уринг, йўлга чиқиш, катта тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш тавсия этилмайди. Яхшиси – энг оддий кундалик ишлар билан, шунда ҳам ўзингизни кўп уринтирмай шуғулланишингиз кўпроқ фойдали. Уй ишлари, йиғиштириш, майда-чуйда таъмирлаш ишлари учун кун қулай келади. Ўқиш ва ўзаро ёзишмалар учун ҳам қулай. Экиш, кўчмас мулк амалиётлари учун бугунги кун ноқулай ҳисобланади.

Кўк, оқ ва "ҳимоя" ранглари бугунги кийимларингизда устувор бўлгани маъқул. Қора, жигарранг ва қизил рангли либослардан нарироқ бўлинг. Қимматбаҳо тошлардан зеб-зийнат тақманг.

**БУГУН:**

— ўзингизга ёққан иш билан шуғулланиш;

— агар иложи бўлса ҳар қандай ишдан дам олиш;

— биринчи навбатда ўз фойдангиз ва қизиқишларингиздан келиб чиқиб иш кўриш;

— ижодий маҳоратингизни намоён этиш;

— иш ва дам олиш учун энг матлуб шароитларни яратиш;

— ўз хоҳиш-истакларингиз бўйича сарф-харажат қилиш тавсия этилади.

Жиддий ҳаракатлардан, ҳамкасбларингиз, қариндош ва қўни-қўшнилар гапига киришдан, ўжарлик қилиш, зиқналикдан, рўзғор ишларига ҳаддан зиёд кўп вақт сарфлашдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. 1234 6